

ТАФАККУР ВА ТАЛҚИН

*(Магистратура талабаларининг
мақолалари тўплами)*

**“ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР
ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ”
ЙИЛИГА БАҒИШЛАНАДИ**



Бухоро - 2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ”
ЙИЛИГА БАҒИШЛАНАДИ**

ТАФАККУР ВА ТАЛҚИН

**(Магистратура талабаларининг
мақолалар тўплами)**

**“Дурдона” нашриёти
Бухоро, 2018**

jamiyatimiz a'zolarini yanada faol ijtimoiy munosabatlarni amalga oshirishga xizmat qiladi. Sohibqironning "Saltanat ishlarining to'qqiz ulushini mashvarat, tadbir va kengash, bir ulushini esa qilich bilan bajo keltirish zarur", "Kuch adolatdadir", "Bilagi zo'r birmi, bilimi zo'r mingni yiqar" va boshqa shu kabi dono so'zlari bugungi kunda ham har jihatdan ibrat bo'lib xizmat qiladi.

Napoleon Bonapartning "Kodekslar"i esa "butun XIX asr davomida o'zgarmasdan, 2281 moddadan bor-yo'g'i 216 moddaning o'zgartirilganligi, 2065 ta moddaning esa o'z holicha qoldirilgan"ligi ham diqqatga sozovordir. Vaholanki, sayyoramiz qonunshunoslari uchun bu ikki manbaning ahamiyati hali hanuzgacha kattadir. Napoleon Bonapartning quyidagi: "Boshqaruv usuli va nomlanishi haqiqatda uncha muhim emas. Agar barcha fuqarolarga adolatli munosabatda bo'linsa, ularning xavfsizligi ta'minlansa, soliqlar, ehsonlar va mukofotlar bir xil miqdorda bo'lsa, unda davlatni boshqarish ancha yaxshilanadi"², - deb aytgan fikrlaridan ham imperatorning jamiyat ahvoli davlat boshqaruviga naqadar ta'sir ko'rsatishini yaqqol anglaganligini ko'rishimiz mumkin. Bu ulug' siymolarning mazkur kitoblarida ifoda etilgan g'oya va qarashlar nafaqat o'z davri, balki bugungi va kelgusi avlodlar uchun ham muhim ahamiyat kasb etishi bejiz emas.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. "Temur tuzuklari" – T.: 1991
2. Ergashev Sh. Uch buyuk fransuz. -T.: "O'zbekiston" 2013
3. Тараборин Р.С «Кодекс Наполеона»-научный вестник УрАГС. №3(8) Екатеринбург; 2009
4. Бонапарт Наполеон. «Наполеон. Афоризмы. 1769-1821». М.: «Фолео». 2009
5. Граф Лас-Каз. Мемориал Святой Елены. Книга 1. М.: «Захаров», 2014
6. <https://studyfiles.net/preview/3173501/>
7. https://ru.wikipedia.org/Кодекс_Наполеона

Ш.И. Восиева-БухДУ магистранти

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АФФИКСЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ИСТАК МАЗМУНИДАГИ ТАЛҚИНИ ВА МИЛЛИЙ—МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири ҳисобланиб, унда тил ва маданият ўзаро алоқалари акс этади. Ҳозирги кунда чет тилини билиш, уни мукамал ўрганиш замон талабига айланиб бормоқда. Маълумки, ҳар бир киши миллий урф – одат, тил, тарих, адабиётини ўз ичига олган аниқ бир маданиятга тегишлидир.

¹ Тараборин Р.С «Кодекс Наполеона»-научный вестник УрАГС.№3(8). Екатеринбург. 2009. С.4.

² Бонапарт Наполеон. «Наполеон. Афоризмы. 1769-1821». М.: «Фолео»; 2009. С.46.

Мамлакатлараро иқтисодий, маданий, илмий алоқалар маданиятни акс этувчи восита деб тилни талқин этилишига олиб келди. Э.Сепир таъкидлаганидек, *"Тил —бу маданиятни ўрганишда йўл кўрсатувчи восита"* дир.

Тилни ўрганаётганда фақат сўзларни, гапиришни эмас, балки тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, аҳолисининг дунёқараши, ҳаёт тарзи, урф-одатлари ҳақида билиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида тилшуносликда янги бир соҳа пайдо бўлишига, яъни лингвомаданиятшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Лингвомаданиятшуносликнинг вазифаси тил ва маданият муносабатларини, тилда маданиятнинг акс этишини, маданиятлараро мулоқотни ўрганишдан иборат.

Лингвомаданиятшуносликнинг *лингвасосий* тушунчаси лингвокультуремадир. Лингвокультуремаларга маданиятнинг бирон бўлагини акс эттирувчи сўзлар (туб, ясама, кўшма ва мураккаб сўзлар) ҳамда фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, паремиялар, фольклор матнлари ва ҳоказолар киради. Шу жумладан, юқорида кўрсатилган тил бирликлари қаторига кирадиган сўз яшаш усулларида бири бўлган айрим аффикслар алоҳида аҳамиятни касб этади. Айнан шу бирликларда ўша халқнинг миллий—маданий хусусиятлари яққол намоён бўлади.

Ижобий истак мазмунини ифодаловчи бирликларнинг ёшга ва жинсга кўра ҳам фарқли қўлланиш ҳолатлари кузатилади.

-гур аффиксли майл шакли қатнашган бирикма ўзбек тилида асосан катта ёшдаги шахслар томонидан қўлланади. Уларга, *барака топгур (умрингдан барака топгур), боланг кўпайгур, бой бўлгур, уйингга буздой тўлгур, омон бўлгур, умринг узоқ бўлгур, бошинг тошдан бўлгур* бирликларини мисол сифатида келтириш мумкин.

-гур аффиксли ижобий истак бириклари, шунингдек, аёллар нутқида ҳам фаол қўлланади. Одатда, қарғишни ифодаловчи *-гур* аффиксли бириклари бўлишсиз шаклида қўллаш аёллар нутқи учун хос бўлиб, бунда ижобий истак билдиради: *башаранг қурмагур, қуриб кетмагур* каби.

Бу хил қурилмаларда салбий истак маъноси кучсизланиб, нейтрал ҳолдаги истак мазмунини ифодаланади: *Эй қуриб кетмагур, нега индамадинг шу вақтгача? Башаранг қурмасин, тезроқ кета қолмайсанми!* (У.Ҳошимов).

Аёллар нутқида ижобий истак ифодаловчи нутқий бириклар ранг-баранг бўлиб, улар *-а)й, -син* каби майл шаклларида ҳам берилади: *Айланай, бўйингга қоқий, садаганг кетай, онагинанг айлансин, онанг қоқиндиқ, бўйингдан ўргулай* каби бириклар ҳам асосан аёллар нутқида ишлатилади: *Хуш келибсиз-деди Офтоб ойим ...-Хушвақт бўлинглар, айланай, қих...— деди хотин. (А.Қодирий) Вой бўйингга қоқий. Вой садаганг кетай ! деди у (У. Умарбеков) Вой онагинанг айлансин, кел-*

кел, бўйингдан ўргилай! (Саид Ахмад) Ўқтамжон, онанг қоқиндиқ
тинчгина ухла! (Ойбек)

Ўзбек тилининг миллий -маданий хусусиятларни нафақат ибораларда, мақолларда, маталларда, афоризмларда учратибгина қолмай балки ўзбек тилининг айрим аффиксларида ҳам кўриш мумкин. Ўзбек тилида -гур, -ай, -син каби аффиксларининг ўзига хослиги бевосита ўзбек халқига хос характер, хислатларнинг ифодаланиши урф одатларнинг мавжудлиги кўпинча адабий - бадий тилда акс этади. Шу билан бир қаторда шу миллат вакиллариининг феъл атори, ташқи қиёфаси, яшаш тарзи ва қайси жинс вакилига тегишли эканлигини очиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Қодирий “Ўтган кунлари романи”. 63-бет
2. Muloqot. Toshkent, 2001. 27 –bet.
3. Неру Джавахарлал. Открытие Индии. Перевод с английского – М, 1965, стр. 242-250.
4. “Тафаккур ва талқин” магистрантларнинг мақолалар тўплами. 2017 йил

М.Ғафурова – БухМТИ магистранти

Ф.А.Қурбонов – БухМТИ доценти

ЗАМОНАВИЙ ТИКУВ МАШИНАЛАРИ КИНЕМАТИК СХЕМАСИДАГИ ҲОСИЛ БЎЛАДИГАН КУЧЛАР ҲИСОБИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Республикамизнинг тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш корхоналарида кийим деталларини бириктиришнинг асосий турларидан бири ип билан бириктириш ҳисобланади. Шунинг учун мавжуд тикув корхоналарни модернизация қилиш ва янги корхоналарни ташкил этишда замонавий тикув машина ва жиҳозлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Замонавий, юқори самарадорликка эга бўлган тикув машиналари Республикамизнинг барча вилоятлари тикув корхона ва фирмаларнинг тикувчилик цехларига ўрнатилмоқда.

Замонавий тикув машиналарини лойиҳалашда конструктор албатта технологик жараёни чуқур ўрганиб чиқиши зарур. Такмиллаштиришдан мақсад – машинанинг самарадорлигини ошириш, чиқарилаётган маҳсулотни сифатини кўтариш ва ишчиларни меҳнатини енгиллаштириш ҳисобланади. Агар машина янги усулда ишлайдиган бўлса, у ҳолда маҳсулотга ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш керак ва бу технологияни экспериментал станда текшириш керак. Шу технологияга мувофиқ машинанинг бажарувчи механизмлари ишлаб чиқилади. Машинанинг кинематик схемасини ишлаб чиқиш учун ижрочи механизмлар конструкциясини танлаб уларни ҳаракатга келтирувчи механизмларни ишлаб чиқариш керак. Шунинг учун ижрочи

	connotation	
19. Н.Б. Бобокулова, М.С. Мизомов, Х.Ф. Джураев	Технология переработки нефтешламов	55
20. Э.Б. Бобомуродов, У.А. Саидмуратов	Устройство для экстракции мятки	57
21. А. Вахабов	Amir Temur "Tuzuklar"i va Napoleon "Kodekslar"ining tarixiy va ijtimoiy ahamiyati. (qiyosiy tahlil)	60
22. Ш.И. Восиева	Ўзбек тилидаги аффиксларнинг ижобий истак мазмунидаги талқини ва миллий-маданий хусусиятлари	63
23. М.Гафурова, Ф.А.Курбонов	Замонавий тикув машиналари кинематик схемасидаги ҳосил бўладиган кучлар ҳисоби ва уларга таъсир этувчи омиллар	65
24. I.O. Davronov	Ecotourism in Uzbekistan: development and prospects	67
25. I.O.Davronov	Marketing tahlil: restoranlarning istiqbolini ko'rishda asosiy belgi (malika mexmonxonasi restoranining marketing tahlili misolida)	69
26. З.Х. Бафоева, М.Б. Джураева	Бухоро воҳаси суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларининг антропоген факторлар таъсирида умумий физикавий хоссалари, сув ўтказувчанлигининг узгариши	72
27. М.З. Джураева	Ўзбекистонда хотин-қизлар спортининг оммавийлашиш ва ривожланиш муаммолари	76
28. Н.Жамилова, М.И. Темирова	История создания полимерных композиционных материалов	79
29. Н.Жамилова, М.И. Темирова	Технология получения полимерных композиционных материалов	81
30. Z. Jamolova	Abdulla Oripov she`rlarida komil inson xususiyatlari	83
31. С.И. Ибрагимов, Г.Б. Болтаев	О проекте программной системы морфологического анализа узбекского языка	86
32. С.Исमतов	Бошланғич синф она тили таълимида мустақил ишлар воситасида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш	89
33. Н.Н. Исмадова, К.З. Абидов	Использования систем автоматического проектирования в управлении технологическими процессами производства этанола	93
34. Н.Н. Исмадова,	Исследование технологического процесса	96